



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
30 май
ЧОРШАНБА
№ 42
(12.470)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



БОЛАЖОНЛАР ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ЯЙРАШДИ

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳам энг дастлабки халқаро байрам сифатида, ҳам айнан болажонларга аталгани билан қадрлидир. Мана 62 йилдирки, у ер юзигаги барча мамлакатларда кенг нишонлаб келинади.

“Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни”ни таъсис этиши ва ҳар йили тантанали нишонлаш ҳақидаги қарор Халқаро аёллар демократик федерациясининг 1949 йилда бўлиб ўтган махсус сессиясида қабул қилинган эди. Шу қарорга мувофиқ, 1950 йилдан буён 1 июнь халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида тантанали нишонлаб келинмоқда.

1989 йилга келиб яна бир муҳим ҳужжат – “Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция” қабул қилинди ва у ҳам кейинги, яъни 1990 йилдан дунё миқёсида кучга кирди. Юқоридаги ҳар икки қонуний ҳужжат ижросига юртимизда алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, ўзбекистоннинг болажон халқ эканлиги юртимиздан ташқарида ҳам эътироф этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойиши билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури” ва бошқа қонун ҳужжатлари болаларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол бўлиб овозига етишларига хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “соғлом авлоднинг тарбиялаш барчаннинг, бутун жамиятнинг, шу юрtdа яшайдиган ҳар бир инсоннинг асосий иши, инсоний бурчи”га айланган.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрига маънамаси ҳам баркамол авлод тарбияси, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ота-она меҳридан бебахра болаларга меҳр қўратишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган. Шу боис йил даво-

мида болалар билимини чуқурлаштириш, дунёқарашини кенгайтириш, иқтидорларини юксалтириш, бир сўз билан айтганда, ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига қаратилган тадбирлар йил давомида изчил ўтказиб борилади. 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни байрами арафасида эса ўзига хос сарҳисоб вазифасини ўтайдиган учрашув, давра суҳбатлари, кўрик-танлов ва турли кўнгилочар тадбирлар янада кучаяди.

Жумладан, “Соғлом авлод учун” жамғармаси “Мустақам оила йили” Давлат дастурининг 28-банди ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб, 2012 йил 26 май – 2 июнь кунлари “Ҳар бир фарзандга меҳр-эътибор” шиори остида ўтказиладиган махсус ҳафталик чора-тадбирлари режаси”га мувофиқ 28 майда Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва

савдо вазирлиги, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Сен ёлғиз эмассан” болалар жамоат фонди билан ҳамкорликда “Меҳрибонлик уйлари” тарбияланувчилари учун байрам тадбири уюштирди. Пойтахтдаги “Тошкент-Ленд” болалар истироҳат боғида ўтган тадбирда Тошкент вилоятидаги 6-мактаб-интернат, 14 ва 15-меҳрибонлик уйлари, Сирдарё вилоятидаги 27-меҳрибонлик уйи ҳамда Тошкент шаҳридаги 21, 22, 23, 24, 30, 31-меҳрибонлик уйлари ва SOS Bolalar mahallalari тарбияланувчилари, шунингдек, Мудофаа вазирлиги тизимида хизмат бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари мириқиб уйнаб-яйрашди. Сўлим ва соя-салқин боғдаги турли кўнгилочар аттракционлар болажонларга беғул хизмат қилди.

Самад ЙУЛДОШ,
Елқин ШАМСИДИНОВ
(ЎЗА) олган сурат.

ШУ СОНГА

БЎКЕНИНГ УЛКАН ПИЛЛА ХИРМОНИ

Туман пиллакорлари буй йилги мавсумда 3600 қути ипак қуртини агротехник талабларга амал қилган ҳолда парваришлаб, шу кунгача қабул пунктларига 200 тоннадан зиёд сифатли “кумуш тола” етказиб бердилар ва шартнома режасини вилоятда биринчилар қатори бажардилар.

– Мавсум бошида 4800 та фермер давом этиб, мўл ҳосилга пухта ҳимоя яратилди. – дейди туман бош пиллахонаси раҳбари Матлуба Мусаева. – Бундан ташқари, 2510 та хонадонга ҳам ипак қурти тарқатилди. Шунингдек, озуқа базаси кет-кегини йилларда анча мустаҳкамлангани боис ипак қурти парвариши маромида



МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида “Ўзбеккумир” ОАЖ инфратузилмасини такомиллаштириш, техник ва технологик модернизациялаш, жаҳон тажрибасини кенг жорий этиш борасидаги устувор вазифалар мавзусида навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.

ТЕХНОЛОГИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш дастурини амалга оширишга катта эътибор қаратилиб, янги корхоналар барпо этиш, мавжудларини қайта жиҳозлаш, инвестиция киритиш бўйича аниқ ишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида иқтисодиёт реал секторлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг ўсиши таъминланмоқда.

Республика Президенти қарорига мувофиқ, кўмир соҳаси инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, циклик-оқим тегишли саноат жорий этиш эвазига технологик жараён бутунлай янгилаб, эксплуатация харажатларини эскирин қисқартиришга эришилади. Бундан ташқари, “Ўзбеккумир” мутахассислари Ўзбекистон Фанлар академияси илмий ходимлари билан ҳамкорликда иккиламчи қалинлик глинозем-цемент ишлаб чиқариш, кўмир чиқиндисидан органик-минерал ўғитлар тайёрлаш бўйича изланишлар олиб боришмоқда.

Анжуманда шу каби маълумотлардан ташқари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.
Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ФАХРИЙЛАР ТАЖРИБАСИ ЁШЛАРГА

Олмаликдаги “Металлург” стадионида Ўзбек футболининг 100 йиллигига бағишланган тантанали тадбирлар доирасида Ўзбекистон ҳамда Тошкент вилояти фахрийлар терма жамоалари учрашув ташкил этилди.

Вилоят футбол тарихи ёрқин саҳифаларга бой дейиш учун тўла асос бор. Вилотимизнинг Ўзбекистон футбол тарихида ўзига хос ўрни ва нуфузи борлигига истаганча мисоллар келтириш мумкин. Зеро, Тошкент вилоятида кўплаб таниқли футбол истеъдодлари етишиб чиққан. Бутун мамлакат ахлининг сеvimли жамоаси ҳисобланувчи “Пахтакор” жамоасида тўп сурган Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Олим Аширов, Шамил Яфаров, Фарход Мағаметов, Абдуқоҳор Маъруфалиев пойтахт ви-

лоятида камол топганлар. Ўзбекистон футбол тарихида ёрқин из қолдирган бу чарм тўп усталари номини миллионлар ўйини ишқи-бозлари ҳамон фахр ва ҳурмат билан тилга оладилар. Эътироф этиш керакки, бутун республикада бўлганидек, вилоят футбол ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, айниқса, жадал ривожланди. Аввало, Юртбошимиз ташаббуси билан оммавий спорт турлари қаторида катталар ва болалар футболни кенг ривожлантириш мақсадида спорт иншоотлари, хусусан, марказлар-

да замонавий стадион, қишлоқларда, ҳатто, олис ва чекка аҳоли истиқомат жойларида ҳам футбол майдонлари барпо этилди. Қолаверса, бир неча табақдаги миллий чемпионат мусобақалари янги тизимда ўтказила бошлади. Натижада вилоят шаҳар ва туманларининг “Бўкалик”, “Газалкчи”, “Металлург”, “Солиқчи”, “Лочин”, “Роҳат”, “Тошкент”, “Кимёгар”, “Семурғ”, ОТМК каби жамоалари республика биринчиликларида иштирок этиш имкониятига эга бўлди.

Шуниси қувонарлики, 2000 йилга келиб республика олий табақасида бир йўла тўртта – “Дустлик”, “Металлург”, “Кимёгар”, “Семурғ” жамоалари вилоят футбол шарафини ҳимоя қилди.

(Давоми 4-бетда).

«УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2012»



ИШОНЧ БОР, ОМАД ҲАМ КЕЛАДИ

Навоний шаҳрида бўлиб ўтган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ниҳоясига етди. Бу галги беллашувларда ҳам кўллаб ёш иқтидор-

лар кашф этилди. Вилоятимиз вакиллари 12 та спорт турининг 9 тасида иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида тўртинчи ўрinni эгаллашди.

– Натижалар кутганимиздан дурустроқ бўлди, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Азаматов. – Вакилларимиз 10 та олтин, 7 та кумуш ва 8 та бронза медалларини кўлга киритишди.

– Бу йилги бахслар жуда қизғин ўтди, – дейди Ўзбекистон “Ёшлик” КСЖ вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ш. Раимов. – Спортчиларимиздан Ф. Муҳаммаджаримова, А. Бекмуродов, Р. Қим, О. Қим, О. Молчанова ва бошқа қатор иқтидор эгалари нималарга қодир эканликларини намойиш этишди. Айниқса, шахмат ва стол теннис бўйича тенгсиз эканликларини исботлашди. Бундан юқори Чирчиқ, Қибрай туманлари, Чирчиқ, Олмалик ва Ангрн шаҳар спортчиларининг ҳиссалари сал-

моқли бўлди. – “Умид ниҳоллари” мусобақаларининг савияси йилдан-йилга ортиб бормоқда, – дейди миллий кураш бўйича мураббий Ф. Раҳимов. – Олдинги мусобақаларда қатнашчилар кўп бўлишига қарамай, ғалаба қозониш осонроқ кечарди. Бу сафар эса минтақавий саралаш баҳсларидан сўнг ҳам жисмон, ҳам тактик жиҳатдан устуи бўлган спортчиларнинг саралангани мусобақаларнинг қизғин ва муросасиз ўтишига сабаб бўлди.

– Гарчи жамоамиз кучли учликдан ўрин олмаган бўлса-да, вакилларимиз вилоятимизда болалар спорти ривожига қанчалик катта эътибор қаратилаётганини исботлашди, – дейди вилоят “Умид ниҳоллари – 2012” делегацияси раҳбари, вилоят ҳқи-

ми ўринбосари, хотин-қизлар кўмпаси раиси С. Файзиева. – Спортчиларимизга бироз омад етишмади. Биз ишонамиз, келаси сафар Хоразм вилоятида бўлиб ўтадиган “Умид ниҳоллари” мусобақаларида ўғил-қизларимиз бундан юқори натижаларни кўлга киритиб, ғолиблар сифатида ўрин эгаллашди. Бунинг учун эса мураббийларимиз масъулиятини ошириб, спортчиларни ҳам руҳан, ҳам жисмонан янада мукамал тайёрлашлари керак.

Вилоятимиз вакилларини Тошкент темирйўл вокзалида қутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Унда иштирок этганлар спортчиларимизни эришган натижалари билан қутлашди.

Равайн НЕЪМАТОВ,
Эркин УМАРОВ
олган сурат.

ДАВРА СУҲБАТИ

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ – ДЕМОКРАТИЯ АСОСИ

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида “Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда Марказий сайлов комиссияси вакиллари ҳамда пойтахт ва Тошкент вилояти сайлов комиссиялари раислари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини илмий ходимлари, сиёсий партиялар вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-

тириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасида ушбу соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, хусусан, янги қонунларни ишлаб чиқиш ва кўнга киритишнинг энг асосий устувор вазифаларини аниқ белгилаб берган эди. Орадан ўтган даврда ушбу йўналишда салмоқли ишлар қилинди ва қилинмоқда. Жумладан, Юртбошимизнинг мамлакатда сайловга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан илгари сурган тавсиялари асосида сайлов жараёнларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солуви қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам изчил амалга оши-



рилмоқда. Тадбирда сайловларнинг мамлакатдаги демократлаштириш жараёнларига таъсири, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш масалалари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги қонунлар-

га, шунингдек, сайлов қонунчилиги бузилган ҳолатларда жавобгарликни белгилаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик кодексларига киритилиши лозим бўлган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалала-

ри ҳам таҳлил қилинди. Сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, уларни халқроқ андозаларга мувофиқлаштириш юзасидан қатор янги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.
Равайн ЕҚУБЖОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири,
Даврон АҲМАД олган суратлар.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2012»

ЎЗНИ АНГЛАШ ИМКОНИЯТИ

"Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қирапти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонман".

Юртбошимиз айтганларидай ўсиб келаётган ёш авлоднинг шундай юксак ишонча муносиб бўлишлари учун қилинаётган саъй-ҳаракатлар бесамар кетмайпти. Ўзбекистонда иқтидорли йигит-қизларни кашф этиш ҳамда уларни муносиб рағбатлантириш, ҳар томонлама кўмак бериш маъносида 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган аънанавий "Келажак овози" танловига қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Бу йил Фонд Форум, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари иштирокидаги танловларда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 79 минг 354 йигит-қиз қатнашиш истагини билдирди. Улар аввал ўзлари ўқитган илм маканларида, кейин шаҳар, туман ва вилоят босқичлари танловла-

рида иқтидорларини синаб кўришди. Вилоят маданият саройида, маънавият-тарғибот марказида бўлиб ўтган танловнинг вилоят босқичи катта шодиега айланиб кетди. Етти йўналиш: архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, миллий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика бўйича ўз



иқтидорларини намойиш этиш учун келган ёшлар нигоҳида завқ-шавқ, ғайрат-шижоат, ишонч ва гурур ифодалари мўжассам. Уларнинг замонавий-миллий либослари, ажойиб каштачилик, зардўлик маҳсулотлари, миллий қадриятларимиз акс этган турли расмлар, суратлар, ганчкорлик, ўймакорлик каби амалий санъат намуналари, дилрабо куй-қўшиқлар, улуг инсоний фазилатлар тараннум этилган шеър, ҳикоя, публицистик мақолалар ёшларимиз иқтисоди ва лаёқати ўсиб бораётганидан далолат.

"Келажак овози"га бешинчи йил қатнашишим, – дейди парентлик Нурулла Суннатов. – Ҳикоя, публицистик мақолаларимиз туман газетасида, бошқа нашр-

ларда ҳам чоп этилган. Очигини айтсам, мени "Келажак овози" кашф этди. Агар вилоят, республика босқичларида ҳам бўлсам, энг эзгу мақсадимга эришган бўлардим.

– Мен ҳам "Келажак овози"да иштирок этиб келаяман, – дейди бекободлик Кумушой Абдуразоқова. – Танлов мен учун жуда кўп имкониятлар эшигини очмоқда. Назаримда ўзимни ўзим кашф этмоқдан. Кўп нарсаларни ўргандим. Ташкилотчилик, ташаббускорлик менинг жону дилим. Орауларим рўёбига қанот берган "Келажак овози"дан миннатдорман.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.
Собир ЗУФАРОВ
олган суратлар.



2012 ЙИЛ - МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Юртбошимизнинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш учун ташкил этилган тадбиркорлик бири "Аҳолини оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилишда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзусига бағишланди.

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИККА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида уюштирилган матбуот конференциясида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар, хусусан аҳолининг бизнес-лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик билан шугулланаётган оилаларни молиявий рағбатлантириш ва уларга яратилаётган имтиёзлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни кенгрок таъиништириш, тадбиркорликни самарали йўлга қўйган оилалар тажрибасини омалаштириш ва бу борада ОАВ фаоллиги, журналист-

лар масъулиятини кучайтириш ҳақида сўз борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутatlари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари ходимлари ва соҳадаги вазиятни тўлақонли ёритишлари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳия-

ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Миллий матбуот марказида "Жаҳон андозаларига мос автомобиль йўллари тармоғини такомиллаштириш, транспорт коммуникациялари тизимини халқаро автомобиль йўлларига кенг интеграциялаш масалалари" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Молия вазирлиги ҳузуридаги йўл жамғармаси уюштирган анжуманда республика Президентининг "2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жаддалаштириш тўғрисида"ги Қарорига асосан ўзбек миллий автомагистрallи таркибига кирувчи халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари кўриш ва реконструкция қилиш дастурига мувофиқ шу мuddат давомида 2306 километр автомобиль йўллари барло этилиши лозимлиги таъкидланди. Шу жараёнда 1910 метр узунликда кўприк ва йўл ўтказгичлар қуриш ҳам кўзда тутилган.

Матбуот анжуманида шу каби маълумотлар бериш баробарида йўл жамғармаси раҳбарияти журналистларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтарди.

Юлдуз ИСАЕВА.

Успенский номидаги Республика ихтисослашган академик лицейида Мустаҳкам оила йилига бағишланган "Мумтоз наволар" номли аънанавий концерт дастури бўлиб ўтди.

ДИЛГА ЯҚИН НАВОЛАР

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва лицей раҳбарияти томонидан ташкил этилган санъат байрамида лицейнинг аънанавий ижтимоий бўлими ўқувчилари йилнинг якуний ҳисоботи сифатида ўз ижод намуналарини намойиш этди.

Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган "Мумтоз наволар" концертнинг бу гагги дастурида ўндан ортиқ гуруҳлар ва яккахон ижроачилар қатнашди. Рубобчилар, хонандалар, созандаалар, танбурчилар, доирачилар ансамбллари, учдилар триоси ва яккахон жўровоз хонандалар ўз санъатлари билан иштирок этишди.

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси ҳамда Республика Болалар кутубхонасидан ташриф буюрган меҳмонлар, санъат соҳаси вакиллари, таниқли ижодкорлар, ота-оналар ва барча йиғилганлар ўқувчиларнинг ижроларини тинглаб дам олишди ва истисёдоларига юксак баҳо беришди.

"Туркистон-пресс".

ЭҶТИРОМ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама

қўллаб-қувватлаш, улар жамият ҳаётининг барча жабхаларида фаол иштирок этишлари учун кенг йўл очмоқда.

КЕКСА АВЛОД – УСТОЗ, МУРАББИЙ

– Бугунги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнлар – ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, маънавий-маърифий ишларда, ҳар жиҳатдан баркамол ёшларни тарбиялашда кекса авлоднинг иштироки тобора салмоқли бўлиб бораёпти. – деди фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши раиси Толиб Тураев. – Улар аҳолининг барча қатламлари давраларига кириб бориб, умуминсоний ва миллий қадриятларни, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни каттаю кичик онгига сингдириб, замондошларимизда ватанпарварлик туйғусини, ҳамжихатлик ва тоғувлик хислатларини шакллантириб, ёшларни она Ватанимизга, халқимизга, истиқлол ишига садоқат руҳида тарбиялашга самарали хисса қўшмоқдалар.

Шу йилнинг ўзида 138 та учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Уларда оила, меҳнат жамоаси ва Ватан олдидаги бурч, турли мулкчилик шакллари ривожланиб бораётган ҳозирги босқичда меҳнат муносабатлари, оилаларни мустаҳкамлаш масалалари хусусида қизгин фикрлашувлар бўлиб ўтмоқда. Бу борада жамғарманинг Раҳматилла Душаев, Абдураул Қодиров, Тўшпулат Болтабоев, Абдусаттор Аҳмаджонов раҳбарлик қилаётган Ангрэн, Оққўрғон, Бекобод шаҳар ва Қўбрай бўлимлари айнакса фаол иш олиб бораёпти.

– "Нуроний" жамғармаси қошидаги корхона ва хизмат кўрсатиш муассасаларининг бугунги фаолияти хусусида нима дея оласиз? – Ҳозирги пайтда жамғарманинг шаҳар ва туман кенгашлари қошида бир қанча унитар корхоналар фаолият юритмоқда. Бекобод шаҳар, Чиноз, Янгийўл, Оҳангарон туман кенгашлари, айнакса, самарали иш олиб боришаётган. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги бу корхоналар фахрийларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилаёпти.

Бекобод шаҳридаги ишларимиз айнакса ибратли. Жамғарманинг шаҳар кенгаши қошида "Гулнора" ательеси, "Лола" сартарошхонаси, "Бахтиёр" телеустанонаси, фахрийлар ошхона-

си ташкил этилди. Улар шаҳар кенгашига ҳар ойда 600 минг сўмдан зиёд соф даромад келтирмоқда. Бундан ташқари, туманларда фахрийлар жамоа бўлиб меҳнат қилишлари, мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришлари учун 4-8 гектардан ер ажратилаёпти. Етиштирилган маҳсулотлар фахрийларга бепул ёки арзон нарҳларда етказиб берилаётган.

– Уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жамиятнинг асосий вазифаси. Шу хусусда батафсилроқ гапириб берсангиз. – Қарияларни эъзозлаган юрт равнақ топади. Ўзбекистонда бу – олий қадрият. Уруш ва меҳнат фахрийлари ва ноғиронларни қадрлаш, турмуш шароитларини яхшилаш, тиббий ёрдам кўрсатиш яхшиланган бораётган шунинг самарасидир.

Меҳр-оқибат, эътибор кунда керак. Айнакса, кексалиқда. Меҳнат фахрийларининг турмушини яхшилаш билан боғлиқ масалалар вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, барча бошқарув идоралари ва хўжалик ташкилотлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кундалик эътиборида. "Мурувват", "Саховат" уйларида жамғармаимизнинг ўзи 247 миллион сўм ёрдам кўрсатди.

Қарияларни даволаш ва саломатлигини яхшилаш мақсадида 753 фахрий тиббий кўриқдан ўтказилиб, 925 киши шифохоналарда даволанди. 1814 фахрий санаторий ёки курортларда дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Мингдан ортиқ меҳнат фахрийси учун мамлакатимизнинг тарихий ва мейморий ёдгорликларига сажат уюштирилди.

Бу ишларда соғлиқни сақлаш муассасалари, "Дори-дармон" компанияси, вилоят қасаба ташкилоти, "Улғуржисавдоинвест" уюшмаси, шаҳар ва туман ҳокимликлари жамғармаимизга катта ёрдам кўрсатишаёпти. **Жўрабек МУРОДОВ** суҳбатлашди.

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

ТЕХНИКА – ФЕРМЕРНИНГ ҚАНОТИ

"Шоҳжаҳон-Шаҳризода боғи" Юқори Чирчиқ туманидаги кенжа фермер хўжаликлардан бири. Шунга қарамай, бугун эришаётган ютуқлари тажрибали хўжаликларниқидан қолишмайди. 123,7 гектар майдоннинг 50 гектарига галла, қолганда пахта етиштирилмоқда. Айни кунда галла тўлиқ бошоқлаган. Сиқфатли ишлов берилиб, вақтида ягаланган гўзанинг авжи балан.

– Эндиги вазиқамиз гўзани озуқага тўйдириш, – дейди фермер Дилшод Асқаров. – Минерал ва маҳаллий ўғит беришга киришлик, кетидан қондириб сўғорамиз. Насиб этса, келаси ойнинг ярмидан галла ўримиға тушамиз. Гектарлардаги бошоқларнинг салмоғи ҳосил баракали бўлишидан дарак бераёпти.

Ўтган йили галланинг ҳар гектаридан 65 центнердан хирмон уйилган бўлса, пахта 37 центнердан ҳосил берди. Бу йил

ҳам давлатга галла ва пахта сотиш шартномаси анча ортиғи билан бажарилади. Техникасиз экинни урдалашнинг ўзи бўлмаслигини фермер яхши билади. Ҳозир хўжалиқнинг ВТ-150, ТТЗ-80, Т-28 русумли техникалари жамоа ишини анча енгил қилаёпти. Келаси йил техника паркни яна кенгайтириш режалаштирилган.

Равайн НЕЪМАТОВ.
СУРАТДА: фермер Дилшод Асқаров галла ривожидан мамнун.



Даврон АХМАД олган сурат.

МУНОСАБАТ

Аждодларинг ўтган замин, сен туғилган тупроқ, меҳр булоғидан ичган сувинг – ҳар нарсадан қадрли. Бироқ, бунинг қадрига етмайдиған, она Ватанга муҳаббатни ҳис қилмай яшаётган қалби сўқирлар ҳам бор орамизда. Уларнинг иродаси заифлиғи, эътиқоди суғлиғидан фойдалана-

ниб, мустақил Ўзбекистонимизнинг озода ва эркинлиғига раҳна солишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг ниқоби остида ўзларининг манфур ниётларини амалга ошириш мақсадида турли доираларда ҳаракатланаётган оқимлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

ХИЗМАТИНГДА ТУРМАСАМ, БОЛАМ ДЕМА ВАТАНИМ МЕНИ!

Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш этилган "Ватангадо" кўрсатувидаги ҳаёт йўлини тўғри танлай олмади, энди афсус ва надомат чекаётган, Ватанини арзимаган пулга осонгина сотиб юборган йигитни оқлаб бўлмайди. Уйлаб кўрайлик, ўзларини ислом тарғиботчиси деб атаётган бу кимсаларнинг эзгу мақсад

ва амаллари борми? Аслинда улар ўз ҳаётидан мамнун халқнинг орасида нозилик кайфиятини уғғотиб, тубсиз жарликка бошлаб боришни режа қилмаётиларми?

Ватанимиз мустақиллигини кўролмади, гаразли ниётлари билан давлатимизга тош атаётган кимсалар ўз ичимиздан чиқаятган вақтда биз, оддий фуқаролар бир ёқадан бош чиқариб, турли ташқи таъсирларга берилмай, атайин уюштирилаётган ахборот хуружларига муносив зарба бериб, доимо оғоғ бўлишимиз керак.

Собир РАҶИМОВ,
"Тошкент иссиқлик электр станцияси"
унитар корхонаси смена бошлиғи.

ТАЖОВУЗ

Гиёҳвандлик – ўз умрига зомин бўлиш демак. Гиёҳванд моддалар олди-сотдиси билан шугулланиш – қабоҳат, ўзгалар умрига, ҳаётини тажовуз қилиш.

Тўнов кўни ойнаи жаҳон орқали намойиш қилинган "Оғуфурнинг сўнғи манзили" кўрсатувида шундай қабиҳ ишлар билан шугулланувчиларни кўриб, юрагим қалқиб тушди. Ўша гиёҳванд моддаларни чегарадан ўтказиб бераётган, бунинг устига сотишга ҳам ёрдамлашаётган фермер аёл Каромат Сулаймоновадан нафратландим. Ахир унинг ҳам фарзандлари бордир. Наҳотки, кун келиб, ўз жиғарлари, қариндош ёки ўғил-қизлари ҳам гиёҳвандларга қўшилиб қолиши мумкинлигини тушун-

маса?! Балки, бу қинғир иши учун олган мўмай пуллари кўзини тўсиб қўйгандир. Аммо дунёда пулга, бойликка алмаштириб бўлмайдиган неъматлар ҳам борку! "Қилимиш – қидирмиш" деганларидек, вақти келиб ҳисоб бериш пайтида бу пуллар ёрдам берармикан?! **Солия АШИРМАТОВА,**
Ангрэн шаҳар "Ҳаккарман-Янғи Жигаристон" маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

БУ ҲАҚДА СЕССИЯДА ГАПИРИЛГАН ЭДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарориди аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмини 2,5 баравар ошириш кўзда тутилган.

Жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисобварақаларга кўйилаётган пул маблағлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан озод этилиши, бу маблағларни жисмоний шахслар ўз хоҳишларига кўра, чекловларсиз тасарруф этишлари, бу борада банк сирини сақлашни кафолатлаштириш, ноқонуний талаб кўйган мансабдор шахслар жавобгарлиги кучайтирилганиги аҳолида муассасаларимизга ишонч кучайтирди, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бошқармаси бошлиғи Иброҳим Салимов "Жамғармалар мобилизацияси ва аҳолининг молиявий савдоқончилигини ошириш" мавзусида ўтказилган семинарда. Аҳоли даромадларининг ўсиши, банк муассасаларига ишончнинг барқарор мустаҳкамланиб бориши натижасида омонатларнинг қолдиги йил бошидагига нисбатан 17,2 миллиард сўмга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46 миллиард сўмга кўпайди ва 203 миллиард сўми ташкил этди.

Мамлакатимизда мустақил ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг иккинчи ўн йиллигига молия-банк тизимидаги иқтисодий ўзгаришлар барқарор тус олган шароитда қадим қўйилди. Бу жараён ҳақида гапириб, давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳоама-сига бағишланган мажлисидаги маърузасида аҳолининг банк тизимига ишонч ортиб, банклар фаолияти самарадорлиги юксалиб бораётгани уларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгараётганини алоҳида таъкидлади.

Натижада иқтисодий тармоқларига инвестиция қилиниш ва шу ҳисобдан барқарор ўсишни таъминлашда ички имкониятларимиз ортиб бораётди. Президентимиз қарорлари билан тасдиқланган 2011 йилги инвестиция ҳамда 2011-2012 йилларда саноятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари дастурларини амалга ошира бориб, вилоятимиз банк муассасалари саноят, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни бир маромда ривожлантириш мақсадлари учун ажратилаётган кредит маблағларини кўпайтириб бораётди. Бироқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида таъкидланганидек, айрим шаҳар ва туман ҳўкимликлари, тадбиркорлик субъектлари яратилаётган имкониятлардан етарли фойдалана олмаётганлар.

НОЧОР ҚОРХОНАЛАР — МУҲИМ РЕЗЕРВ

Вилоят ҳўкимлиги кам қувватли, молиявий ноқор ҳамда тўхтаб қолган қорхоналарда ишлаб чиқаришни қайта тиклаш, технология усукулари янгилаш масалалари билан тобора изчил шуғулланмоқда. 2011 йили ишлаб чиқаришни кўпайтириш таъминловчи аниқ режалари банк кредитлари билан молиялаштириш ҳисобидан модернизациялаш ва янги технологияларга ўтиш лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилиб, қисқа фурсатда деярли 15 та қорхонада ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъминланди. Ажратилаётган мақсадли кредитларни янада кўпайтириб, йил охиригача уларнинг барчасида ўсиш сўрўатларини ошириш чоралари кўриляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу жараённи янада тезлаштириб юборди. Шу асосда тузилган вилоят ишчи гурўҳи иқтисодий ноқор, кам қувватли ҳамда фаолият юритмаётган, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун банк кредитларига эҳтиёжи катта 102 та қорхонани молиявий соғломлаштириш дастурини ишлаб чиқиб, вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари, асосан меҳнат ресурслари кўп, шу жумладан тоғли ва чекка қишлоқларни қамраб олди. Шу тариха 55 та кам қувватли, 3 та иқтисодий ноқор, 25 та фаолият тўхтаб қолган ва 19 та фаолиятини кенгайтираётган, бўш биналари бўлган қорхоналарда қайта усқунлаш, мавжуд қувватларни замонавий технологиялар асосида модернизациялаш, янги қувватлар барпо этиш режалари белгилаб олинди.

Бу истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш 85,4 миллиард сўм сармоа, 129,1 миллиард сўм тижорат банклари кредитларини жалб қилиб, шу йилнинг ўзида 3032 та кўшимча иш ўринларини очиб, 786 миллиард сўмлик мақсулот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш имконини беради. Дастлабки уч ой яқунлари шуни кўрсатмоқдаки, дастурда белгиланган кредитлаш ва бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар босқичма-босқич бажарилмоқда. Биринчи чорада 42 та лойиҳани амалга ошириш мақсадларига тижорат банклари 59,1 миллиард сўм кредит ажратди. Шолбуки,



қорхоналар, хўнармандчилик усқуналар, оилавий ва хўсусий тадбиркорлар ишлаб чиқараётган мақсулотларнинг кўргазмалари ташкил этилди.

Умуман, бизнес-форумларда ҳўзиргача 115 та лойиҳа ташаббускорларига 26,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредит сертификатлари тарқатилди. 2012 йилнинг 1 апрель кўнгача 25 та лойиҳа 17,8 миллиард сўм кредит билан молиялаштирилди. Шу ҳисобдан 169 та янги иш ўрни яратилди.

Банк муассасалари ёш оила-ларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 7,3 миллиард сўмдан ортиқ микрокредит йўналтиряпти.

Ёш оилаларни ижтимоий ҳўмоа қилиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, хўсусан, уй-жой билан таъминлаш масалалари ҳам банклариимизнинг диққат марказида туряпти. Тижорат банклари маблағлари ҳисобидан ўша сотиб олиш учун уларга 9,8 миллиард сўмдан ортиқ ипотека кредити ажратиш режалаштирилган. Шуни таъкидлаш керакки, бундай кредитлар Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида

1 апрель ҳўлатига 216 миллиард, шунингдек, аҳоли омонатлари қолдиги 1 январга нисбатан 4,6 миллиард сўмга кўпайиб, 46,6 миллиард сўмга етди.

Мустаҳкам оила йилида хизматларимиздан фойдаланаётган кичик бизнес вакиллари 7,7 мингдан ортиди, уч ой давомида 13,5 миллиард сўмдан ортиқ банк кредити ажратилди, — дейди "Ипотекабанк" вилоят филиали бошқарувчиси А. Тожихўжаев. Биринчи чорак режалари озик-овқат товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар бўйича 123,6, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ажратилган кредитлар бўйича 117,7, микрокредитлар 110,4, ёш оилаларга ажратилган кредитлар 175,2, аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар бўйича 194, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ажратилган кредитлар бўйича 136,6, имтиёзли кредитлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар бўйича 162,2, оилавий тадбиркорликка ажратилган кредитлар бўйича 690,8, касб-хўнар коллежлари битирувчиларига ажратилган кредитлар бўйича 273,7 фойзга баҳарилди.

нинг шу мўддатидиган 136,4 миллиард сўм ёки 28 фойз кўпдир.

Жумладан, савдо фаолияти билан шуғулланувчи ҳўжалик субъектларидан тушум 398,8 миллиард сўмга етиб, ўтган йилнинг тегишли мўддатидиганига нисбатан 29 фойзга ўсди. Пулли хизматлар кўрсатиш соҳасидан тушум 30,3 миллиард сўмга ёки 36 фойзга кўпайиб, 115,3 миллиард сўмини ташкил қилди.

Натижада, биринчи даражали ижтимоий тўловлар — пенсия, нафақа ва бюджетдан молиялаштирилмаган қорхона ва ташкилотлар ҳодимлари иш ҳақи вақтида тўланыпти. Биринчи чорада 306 миллиард сўмлик шундай тўловлар амалга оширилди. Уларнинг 177,3 миллиард сўми пенсия, 11,6 миллиард сўми иш ҳақи, 17,1 миллиард сўми нафақа пулларидир.

Табиийки, бугун банк муассасалари фаолиятини замонавий, қулай ва самарали тўлов воситаларисиз тасавур қилиш мўмкин эмас. Вилотимиз банкларида ҳам ҳисоб-китобларни нақд пулсиз амалга ошириш тобора кенг тус олаётди. Тижорат банклари ҳўзиргача 639 мингдан ортиқ пластик қарточкаларни муомалага чиқарди. Савдо ва хизмат кўрсатиш қорхоналарига ўрна-тилган терминаллар 10 минг 200 тага етди. Ҳўзирги пайтда шаҳар ва қишлоқларимиздаги 7299 та савдо, 1283 та турли хизматлар кўрсатиш, 498 та умумий овқатланиш, 291 та ёниги қўйиш қорхона ва ташкилотларида тўлов терминалларидан фойдаланилаётди. Йирк қорхона, ташкилот ва банк филиалларида 23 та банкомат ва 44 та инфокиоска мўнтазам ишлаб турибди. Кейинги уч ой давомида фуқароларнинг пластик қарточкаларига 263,6 миллиард сўм кирим қилинди. Ҳўжалик субъектлари ҳисоб-рақамларига шу йўл билан тушган маблағлар ҳам ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 610,1 миллиард сўмга кўпайиб, 210,1 миллиард сўмга етди.

Тижорат банклари нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш жараёнларида сохталаштириш ҳамда фирибгарликларни истисно этувчи қўшимча чоралар кўраётди. VISA пластик қарточкаларини ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни хўмоа қилиш таъмин-ийлари кенг жорий этиляпти. Натижада миқозлар ва сотувчилар турли қаллоблик ва алдовлардан ҳўмоа қилиняпти.

Халқаро тўлов қарточкалари ҳам муомалага чиқарилляпти. Тижорат банкларининг бўлимлари VISA Classic ва VISA Electron қарточкаларини тарқатмоқда. Улар бўйича бутун дунёда хизмат кўрсатилди. Чили VISA Classic қарточкалари эгалари ҳам миллий валютада, ҳам АҚШ долларида ҳисоб-рақамлари очиб, бундай пластик қарточкалардан мамлакатимизда ва хорижда фойдалана оладилар. АҚШ долларида очилган VISA Classic пластик қарточка эгалари дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатда 1,5 миллиондан зиёд банкоматларида ҳамда 29 миллиондан ортиқ савдо нуқта-ларида қарид қилиш ва нақд пул олиш ҳўқуқидан фойдаланадилар. Улар "SMS-banking" хизмат-и орқали қарточкадаги ҳисоб-китоб рақамини назорат қила оладилар.

Бугун "Тошкент ҳақиқати" газетхоналарига яна бир муҳим янгиликни билдириб қўймоқчиман, — деди пировардида Иброҳим Салимов. — Яқинда "Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ҳўжаликларга қишлоқ ҳўжалиги мақсулотларни етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги низом тасдиқланди. Энди аҳоли томорқларида қишлоқ ҳўжалик мақсулотлари етиштириш, ичнам исқисноналар ташкил этиш, паррандачилик ва асалариликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратила бошланди. Банкларнинг филиаллари, маҳаллий ҳўкимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргала-рида бундай кредитларга бўлган талабларни қисқа мўддатда ўрганиб чиқилляпти, уларни қондириш чораларини кўришлари керак. Тижорат банкларида хизмат турлари ва имтиёзлар бўйича барча маълумотларни олиш мўмкин.

Пировардида бир ҳўлатни таъкидламоқ керак. Гап шундаки, базий туманларда кичик бизнесчи ва хўсусий тадбиркорлар етар-лича қўллаб-қувватланмаётганли-ги танқид қилинди. Натижада ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш сўрўат-лари бу ҳудудларда сустигишга қолмади.

Фурсатдан фойдаланиб, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармасида 244-73-25 рақамли ишонч телефонни ташкил этилган янги ҳам маълум қўлмоқчиман. Хар бир фуқаро банк кредити билан боғлиқ масалалар бўйича кўнғироқ қилиб, ўзини қизқтирган маълумотларни олиш мўмкин.

Жўра СЎДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ИЗЛАНИШ ВА ИЗЧИЛЛИК

банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини мустаҳкамлаб, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт сўрўатларини ошириш самарадорлигини кучайтиришнинг асосий шартидир

дастурда 27 та лойиҳа бўйича 38,4 миллиард сўм кредит ажратиш режалаштирилган эди. Белгиланган-дан 10,7 миллиард сўм кўп кредит берилиши натижасида қисқа фурсатда 528 та янги иш ўринлари очилди. Апрель ойида эса, 5 та лойиҳа бўйича 10,5 миллиард сўм кредит ажратилиб, қўшимча 209 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий реал сектори қорхона-ларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Иқтисодий ноқор қорхоналарни тижорат банкларига сотиш тарти-бини тасдиқлаш тўғрисида"ги фар-мойишининг ижросини таъминлаш ҳам ўз самарасини бера бошлад-ди. Банк балансига қабул қилин-ган иқтисодий ноқор қорхоналар молиялаштирилиб, ишлаб чиқари-ши қайта тикланыпти. 2012 йил-нинг 1 январига тижорат банк-лари балансига қабул қилинган 24 та қорхонадан 11 таси ҳўзиргача янги мулкдорларга 91,9 миллиард сўмга сотилди. Уларда 1039 та-дан ортиқ янги иш ўринлари яра-тилиб, 2,9 миллиард сўмлик тай-ёр мақсулот ишлаб чиқарилди.

Жумладан, "Асакабанк" ўзи со-биёт олган "Бўстон қандолат" масъ-улияти чекланган жамиятининг ишлаб чиқариш фаолиятини тек-лади. "Дўммас" масъулияти чек-ланган жамияти номи билан қайта-риўхатга олинган бу қорхона янги мулкдорга 2,2 миллиард сўмга- сотилди. Унда 78 та янги иш ўрни барпо этилди. Биринчи чорада 1,1 миллиард сўмлик қандолат мақсулотлари ишлаб чиқарилди. Эндиликда технология жараён-лари тақомиллаштириш учун қор-хонанинг ўзи инвестиция кирита бошлади. Қисқа фурсатда 200 мил-лион сўм сармоа ўзлаштирилди.

Биринчи чорада тижорат банк-лари ўз балансидаги 13 та қорхо-нада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, технология линияларини тик-лаш, қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 42,8 миллиард сўм инвести-ция киритди. Шу ҳисобдан маъзур қорхоналарда 1113 та янги иш ўрни ташкил этилиб, ишлаб чиқари-ши тўла тикланди. Улар биринчи чорадаёқ 4,7 миллиард сўмлик тай-ёр мақсулот ишлаб чиқарди.

Миллий банк ўз балансига ол-ган "Чиноз тўқимачи" қўшма қор-хонасига 5,1 миллиард сўм инвес-тиция киритди. Қорхона "Чиноз текстиль" масъулияти чекланган жамияти тарихида қайта ташкил этилди. Натижада дастлабки ой-лардаёқ 3,9 миллиард сўмлик мақсулот ишлаб чиқарилиб, унинг 3 миллион 825 минг АҚШ дол-лари миқдоридиги қисми экспортга жўнатилади. Шу кўнларда қорхо-нада 543 ишчи меҳнат қилмоқда. "Капиталбанк" балансидаги "Ка-сантекс" қорхонасида ҳам техно-логия усқуналарини тиклаб, ишлаб чиқаришни қайта йўлга қўйиш, қурилиш-таъмирлаш ишлари жа-дал бораляпти.

ЧЕККА ҚИШЛОҚЛАРДА — ЯНГИ ҚУВВАТЛАР

Кейинги йилларда тадбиркор ва ишбилармонлар саноят, қўночи, озик-овқат ва ноозик-овқат мақсулотлари, қурилиш материал-лари ишлаб чиқаришни кўпайтириш-нинг истиқболли лойиҳаларини

амалга оширишга тобора дадил-лик билан киришмоқдалар. — Маълумки, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Прези-денти ва Ҳўкумат саноят ишлаб чиқариши, қишлоқ ва йўл қури-лиши, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг истиқболли дастурларини ўз ичига олган му-ҳим фармон ва қарорлар қабул қилди, — дейди Иброҳим Сали-мов. — Умумдават дастурларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, тадбиркор ва ишбилар-монларнинг истиқболли лойиҳа-ларини банк кредитлари билан мо-лиялаштириш кўламлири кенгайти-риб бораётди. Вилотимиз тижорат банклари кичик бизнес ва хўсу-сини тадбиркорлик субъектларини истиқболли лойиҳаларни учун ажратаётган кредитлар сўнгги 2011 йилда 1,5 баробар кўпайиб, 293,6 миллиард сўмга етди. Бу маблағ-нинг 69,3 миллиард сўми тадбир-корлик субъектларининг озик-ов-нани мақсулотлари ишлаб чиқариш-ни кенгайтириш лойиҳаларини учун ажратилди. Айни пайтда ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқариш-га йўналтирилган лойиҳаларни кредитлаш 41 фойз ўсиб, 51,5 миллиард сўмга етди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини рив-ожлантириш мақсадларига эса 31,1 миллиард сўм кредит берил-ди.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳисобига ўтган 2011 йилда 20 минг 582 та янги иш ўрни яратилди. Тижорат банкларининг микромолиявий хиз-матлари чекка, олис, одамлар-бирмунча зич яшайдиган қишлоқ-ларда ҳам ишлаб чиқариш ва хиз-мат кўрсатиш соҳаларини ривож-лантириш, иш ўринларини кенгай-тириш имконини бermoқда.

Бу йилги режалар эса янада катта. Вилотимиз тижорат банк-лари кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун барча мо-лиялаш манбалари ҳисобидан 313,4 миллиард сўм кредит ажра-тишни режалаштирган. Бу ўтган йилдагидан 17,8 миллиард сўм кўп. Жами кредитнинг 61,8 мил-лиард сўми микрокредитлардир.

Уч ойлик яқунлар белгиланган режалар ортиги билан бажарили-шини кўрсатмоқда. Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъект-ларига барча молиялаш манбала-ри ҳисобидан йилнинг уч ойида 70,3 миллиард сўм миқдориди-да кредит ажратиш белгиланган-ди. Амалда 2265 та ҳўжалик субъек-ти 92,9 миллиард сўм кредит олди. Режа 132 фойз бажарилди. Бир-қатор тадбиркорлар ўз бизнес ло-йиҳаларини амалга ошириш учун 16,4 миллиард сўм микрокредит ол-шиди. Бошқача қилиб айтган-да, кредитлар сўнгги бир йилда 2011 йилнинг сўм даврига нисба-тан 145 фойз, шу жумладан мик-рокредитлар — 138,8 фойз кўпай-ди.

Тадбиркорлар уч ойда олган кредитларининг 37,5 фойзини сан-оят, 21,7 фойзини қишлоқ ҳўжалиги, 17,7 фойзини савдо, 3,4 фойзини қурилиш, 10,6 фойзини сервис ва хизмат кўрсатиш ҳамда 9 фойзини бошқа соҳаларни рив-ожлантиришни кўзда тулувчи ис-тиқболли бизнес-лойиҳаларни амалга оширишга сарфлашди.

Айни пайтда вилоят тижорат банклари республика Президенти-нинг аҳолининг озик-овқат ва ноозик овқат мақсулотларига



эҳтиёжини тўла қондиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғри-сидиги қарорларини амалга оши-ра бориб, 794 та миқозга озик-овқат мақсулотлари ишлаб чиқари-шини кенгайтириш учун ўтган йилнинг шу давридагидан 91 фойз ортиқ — 30,2 миллиард сўм, 232 та миқозга эса, ноозик-овқат ис-теъмол товарлари ишлаб чиқари-шини ривожлантириш учун 50 фойз ортиқ — 20,1 миллиард сўм кредит ажратди.

Тижорат банклари хизмат кўрсати-тиш ва сервис соҳасини ривож-лантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Дастлабки 3 ойда 285 та миқозга 9,9 миллиард сўм, ўтган йилнинг сўм даврига нисба-тан 94 фойз кўп кредит ажратил-ди.

Қишлоқ ҳўжалик мақсулотлари етиштириш, жумладан, чорвачи-лик, паррандачилик, балиқчилик ва асалариликни ривожланти-риш мақсадларига 8,6 миллиард сўм берилди.

МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ ЛОЙИҲАЛАРИГА — АЛОҲИДА УСТУВОРЛИК

2012 йил "Мустаҳкам оила йили" деб номланиши оилавий бизнесни, хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш сазй-ҳаракат-ларини янада кенгайтириб юбор-ди. Давлат дастурига мувофиқ, кичик бизнес субъектларини мо-лиявий қўллаб-қувватлашга, улар-нинг истиқболли лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кре-дитлашга эътибор кўнади. Мар-казий банкнинг вилоят бош бош-қармаси тижорат банклари билан ҳамкорликда ўтказган "Энг яхши бизнес лойиҳа" қўрик-танловиди-да голиб чиққан 50 кичик бизнесчи-га 25 миллиард сўмдан ортиқ кредит олиш учун сертификатлар топширилди.

Ўзбекистон Халқ демократия ва Либерал-демократик партиялари-нинг вилоят кенгашлари, савдо-саноят палатасининг вилоят бош-қармаси, вилоят ҳўкимияти, тижорат банклари ҳўқорлигида ту-манларда бизнес-форумлар таш-кил этиш аъёнага айланди. Халқ демократик партияси вилоят ке-наши ташаббуси билан Зангиота, Чиноз ва Оқўрғон туманларида ўтган шундай анжуманларда оила-вий бизнесчилар банк кредитла-рини олиб барпо этаётган кичик

ошмаган фойзда 15 йил мўддатга тақдим этилаётди. Шунингдек, ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида хар бир тижорат бан-кининг кенгайтирилган — ёш оилаларга" широри остида махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга му-тавофиқ, Ватанимизда ишлаб чиқариш истеъмол товарларини харид қилиш учун ёш оилаларга уч йил мўддат билан энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдори-да узоқ мўддатли кредит ажрати-ляпти.

Касб-хўнар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлашти-риш, тадбиркорлик ҳаракатида кенг жалб этиш ҳўзирги кўннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Шуни ҳисобга олиб, вилотимиз банклари битирувчи-ларнинг бизнес-режаларини мо-лиялаштиришга имтиёзли микро-кредитлар тарихидада ўтган йилда 2,8 миллиард сўм маблағ йўнал-тирди. Бу йил шу мақсадлар учун 3 миллиард сўмга яқин кредит аж-ратилмоқда. Ҳўзиргача 128 бити-рувчининг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга 1,1 миллиард сўм сарфланди. 227 та кам таъ-минланган оила чорвачиликни рив-ожлантириш учун 912 миллион сўмлик имтиёзли кредит олди.

Дастлабки уч ойнинг яқунлари "Мустаҳкам оила йили" вилоят дастурда қўзда тутилган истиқ-болли тадбиркорлик лойиҳалари муваффақиятли бажарилтиришдан далолат бермоқда. Январ-март ойларида кичик бизнес субъект-ларига барча молиялаш манбала-ри ҳисобиди 92,9 миллиард сўм кредит ажратилди. Жумладан, 360 нафар ишбилармон аёл тад-биркорлик ва хўнармандчиликни ривожлантиришга доир ўз бизнес-режаларини амалга ошириш учун 6,5 миллиард сўм кредит олди.

МИҲОЗЛАР ИШОНЧИ — БАНК САЛОҲИЯТИ

"Ипотекабанк" вилоят филиал-ларининг биринчи чорадаги жами активлари қолдиги 687,1 мил-лиард сўми, банк капиталы 29,7 миллиард сўми ташкил этди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар депозитлари ва аҳоли қўлларда вақ-танлаш бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш орқали 2012 йилда банкнинг ресурс баааси кўпайтирилмоқда. Натижада банк миқозлари депозитлари қолдиги

Иқтисодий ноқор, зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва кам қувватли қорхоналарни мо-лиявий соғломлаштириш ва иш ўринларини тиклашни жадаллаш-тиришга қаратилган ҳўдудий дасту-руга мувофиқ "Санотқалинқо-ғозсавдо" очик акциядорлик жа-миятига жорий йилда ишлаб чи-қариш қувватларини янада оши-риш мақсадида 500 миллион сўм миқдоридида банк кредити ажрати-лишига яришилди. Эндиликда қорхона бюртмачиларга сифатли қоғоз мақсулотларини барқарор етказиб бермоқда. Оҳангарон ту-манини ижтимоий-иқтисодий рив-ожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини оширишга доир комп-лекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ эса, "Оҳангарон роҳат гузари" масъулияти чекланган жамиятига умумий овқатланиш мажмуасини хўжозлаш мақсади-да 300 миллион сўм миқдоридида узоқ мўддатли банк кредити бе-рилади. Бу ерда 20 та янги ишчи ўрини яратилишига эришилди. Меҳнат ресурслари ортиқча бўл-ган Бўка туманидаги "Ашуров Умид" деҳқон ҳўжалиги махсус жамғармаси маблағлари ҳисоби-дан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 24 ой мўддатда 30 мил-лион сўм имтиёзли кредит олди.

Касб-хўнар коллежи битирувчиси, ёш тадбиркор Мухитдинов Тоир Бахтиёр ўлғига жорий йилда пар-рандачиликни ривожлантириш мақсадида 24 ой мўддатда 18 мил-лион сўм миқдоридида шундай кре-дит ажратилди.

БАРҚАРОР МОЛИЯЛАШТИРИШ АСОСИ

Пул муомаласини тақомиллашти-риш, нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ жалб қилиш тадбиркорлик лойиҳа-ларини барқарор кредитлаш, иж-тимоий тўловлар тўлиқ тўлани-шининг асосий шартидир. 2012 йилнинг биринчи чорада ви-лоятимизда нақд пулда ва тўлов терминаллари орқали 620,2 мил-лиард сўм тушди. Бу ўтган йил-

СУРАТАРАДА: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вилоят бошқармаси бошлиғи Иброҳим Салимов (чапдан иккинчи) германялик мутахассислар билан учрашув чоғида; банк миқозлар хизматига.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

